

ларда кенгайиши янги сўз бирикмаларида ўз аксини топади. Бу эса, ўз ўрнида, ўзбек тилининг жамиятда ижтимоий функциялари кенгайганлиги ва натижада лугат таркиби бойиганлигидан далолат беради.

**Хамроева Орзигул Жалоловна (ТошДўТАУ, филология фанлари бўйича фалсафа доктори)
АБДУРАХМОН ЖОМИЙ “РИСОЛАИ ҚОФИЯ” АСАРИНИНГ ТАРКИБИЙ
ТУЗИЛИШИ**

Аннотация. Ушбу мақолада поэтиканинг “илми сегона” (илмлар учлиги) дан бир қофия илми ҳақида батафсил тўхталилади. Илми қофия, унинг ўзига хослиги, қофия илмига бағишланган бир қанча рисоалар мавжуд бўлиб, буларнинг асосийларидан бири А.Жомийнинг “Рисолаи қофия” асаридир. Жомийнинг ушбу рисоласи Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-Мўъжам” асари таъсирида яратилган. Мақолада муаллиф Абдурамон Жомийнинг “Рисолаи қофия” асарининг илми қофияни ўрганишидаги аҳамияти хусусида тўхталган.

Аннотация. В статье подробно объясняется изучение одного из типов рифм из науки о поэтике. Есть много исследовательских работ о науке рифмы и ее уникальности, и «Рисолаи кофия» А.Джами является одной из них. Также Джами повлиял на работу «Аль-Муджам», написанную Шамсиддином Кайсом Рози. В статье обсуждается суть «Рисолаи кофия» Абдурахмона Джами в изучении науки рифмы.

Annotation. In this article, a study of one type of rhymes from the “ilmi segona” (the trio of sciences) of poetics is thoroughly explained. There are a lot of research works about the science of rhyme and its uniqueness, and “Risolai qofia” (“Essay about rhyme”) by A.Jami is one of the major ones among them. This work of Jami’s was influenced by “Al-Mujam” which was written by Shamsiddin Qais Rozi. The essence of Abdurahman Jami’s “Risolai qofia” in learning the science of rhyme is discussed in the article.

Калим сўзлар: поэтика, рисола, илми сегона (илмлар учлиги), қофия, ҳуруфи қофия (қофия ҳарфлари), қофия турлари.

Ключевые слова: поэтика, брошюра, троица знаний, рифма, рифмованные буквы (ҳуруфи қофия), виды рифмы.

Key words: Poetics, brochure, “ilmi segona” (The trio of sciences), “hurufi qofia” (the letters of rhyme), the types of rhyme.

Шеърнинг поэтик гўзаллигини таъминлаб берувчи асос унсурлардан бири қофия саналади. Қофия шеър аталмиш тизимли структуранинг таянчидир. Шеършуносликда қофия илми хусусида бир қанча рисоалар яратилган бўлиб, бу рисоалар форс, араб, туркий шеършуносликдаги муҳим манбалардан саналади. Абулҳасан Али Сараҳсий Баҳромий, Шамсиддин Қайс Розий,¹ Аҳмад Тарозий,² Абдурахмон Жомий,³ Воҳид Табризий,⁴ каби олимлар қофия илми хусусида махсус рисоалар яратган бўлсалар, Шамси Фаҳрий Исфохоний, Юсуф Азизий, Ҳусайн Воиз Кошифий каби ижодкорларнинг асарларида қофия илмига доир муносабатлар мавжуд. Қофия ва унинг назарий асослари, ҳарфлари, турлари, тараққиёти ва инқирози масалаларига оид илмий баҳслар акс этган бир қанча рисоалар яратилган бўлиб, Б.Сирус, А.Азар, В.Котетишвили, В.Жирмунский, Д.Самойлов, Ҳ.Муҳаммадий, Р.Мусулмонқулов каби олимлар маълум тил асосида илмий қарашларини баён этган. Мумтоз поэтика ва унинг таркибий қисмларидан бири қофия илми хусусида ўзбек

¹ Фитрат А. Аабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам ҳаваслилари учун қўлланма (нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев). Т., “Ўқитувчи”, 1995, 161-бет.

² Шайх Аҳмад Тарозий. Фунун ул-балоға. Т., “Ҳазина”, 1996.

³ Абдурахмон Жомий. Рисолаи қофияи Мулла Жомий. Калькутта, 1867.

⁴ Воҳид Табризи. Джами и мухтасар. Критический текст, пер. И примеч. А.Е Бертельса. М., “Наука”, 1959.

олимларидан Фитрат ҳамда А.Саъдий ўз даврида биринчилардан бўлиб, назарий ҳамда амалий мисоллар асосида ўз муносабатини билдирган. Демак, мумтоз поэтиканинг таркибий қисми қофия илми хусусида бир қанча махсус рисоалар яратилган бўлиб, А.Жомийнинг “Рисолаи қофия” асари бу йўлдаги муҳим тадқиқотлардан бири саналади.

Абдурахмон Жомийнинг “Рисолаи қофия” асари 1465 йилда яратилган бўлиб, олимларнинг таъкидлашича, Жомий ушбу рисоласини Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-Мўъжам...” асарининг Қофия қисмига асосланиб ёзган. Жомийнинг “Рисолаи қофия” асари бир қанча қўлёзма нусхаларига эга бўлиб, улардан бирини фан доктори А.Эркинов Берлин Давлат кутубхонасидан келтирган. Бу нусха “Арузи Сайфий Бухорий” таркибида “Рисолаи қофияи Мулла Жомий” сарлавҳаси асосида киритилган. Асар форс тилидаги қофия илмига бағишланган муҳим рисоалардан бири бўлиб, Жомий Ҳамд (Бошланма – Ҳ.О.), Муқаддима, Хотима қисми билан биргаликда 8 қисм (1. Бисмиллаҳи-р роҳиани-р-роҳим 2. Муқаддима. 3. Ҳуруфи қофия (Қофия ҳаракатлари). 4. Ҳаракоти қофия. (Қофия ҳаракатлари). 5. Мутародифу мутавотир ва мутадорику мутақориб ва мутаковис. 6. Муқайяди мутлақу мужаррад. 7. Уйуби қофия. 8. Хотима) асосида қофия илми билан таништирган.

Рисола анъанавий ҳамд билан бошланади. Жомий рисоланинг Ҳамд қисмида Аллоҳга чексиз ҳамд, Расулимизга мадҳу санолар айтган ҳолда асарнинг ёзилиш тарихи хусусида маълумот бериб ўтади. Фикрни шеърӣ –қитъа жанри шаклида келтирган.

*Чу гул ба ханда дарояд лаби амал зи нишот,
Агар зи гулшани лутфаиш вазад насими қабул.*

Яъни:

*Лабингнинг хурсандчилигига амал қилиб гул ханда қилсун,
Агар гулшанда шамол унинг лутфини қабул қилса.*

Асардаги кейинги қисм Муқаддима номи остида берилган бўлиб, бу қисм асарнинг муқаддимаси сифатида эмас, қофия илмининг муқаддимаси вазифасини бажарган. Жомий бу қисмда қофия, радиф, ридф сўзларига таъриф беради. Қофия ҳақидаги рисоалар каби аввалида қофияга, умумий тушунчаларга эътибор қаратиб, кейинчалик уларнинг қисмларига бирма-бир тўхталиб ўтади. Жомий аҷам шоирлари одатича, қофияни байтлар охиридаги сўзларнинг такрорланиб келиши сифатида баҳолайди. Бироқ бунинг бир шарти борлигини, бу шарт уларнинг талаффузда мустақил бўлмаслигидир. Жомий ўзигача яратилган қофия ҳақидаги рисоалардан хабардор бўлган, айниқса, Шамс Қайс Розийнинг “Ал-Мўъжам” асарининг қофия қисмига асосланиб асар ёзганлиги боис ҳам қофиянинг турлича номланишини келтириб ўтган. Олимнинг фикрича, баъзилар жумланинг охирини қофия деса, баъзилар равий ҳарфини қофия деб аташади. Жомий рисоланинг айни шу қисмида 3-тушунча сифатида *ридф* атамасига изоҳ беради. Мумтоз қофия илмига кўра ридфли қофия *мурдаф қофия* дейилади. Жомий ҳам айнан ридф мавжуд бўлган қофия ридфли қофия сифатида келишини, бу қофия тури кўпроқ аҷам шуаролар орасида кўп учрашини таъкидлайди.

Рисоланинг 3-фасли қофия ҳарфлари (хуруфи қофия)га бағишланган бўлиб, Жомий қофиянинг 9 ҳарфини шеър шаклида тушунтиради.

Равиу ридфу дилгар қайду баъд аз он таъсис,

Дахилу васлу хуружу мазиду ноира дон.

Яъники, Равийу, ридфу яна қайд ундан сўнгра таъсис,

Дахилу васлу хуружу мазиду ноирадир бил.

Жомий қофиянинг ўзак таркиби ҳамда қўшимча таркибида келувчи барча қофия ҳарфларини бир шеър қисми орқали бериб ўтади. Рисоланинг айни шу қисмида *ридф*, *қайд*, *таъсис*, *дахил*, *васл*, *хуруж*, *мазид*, *ноира* каби қофия ҳарфларининг ҳар бири изоҳланади, байтлар мисолида тушунтирилади. Жомий *ридф*нинг икки шаклини фарқлайди: Биринчиси равийдан олдин келувчи ҳарфнинг сокин ҳарф келиши. Уни *ридфи муфрадли мурдаф* дейишади.

*Эй аз гунафша сохта гулбаргро ниқоб,
В-аз шаб табончаҳо зада бар руи офтоб.
(Эй бинафшадан гулбаргларни ниқоб қилувчи
Ва тунда офтобнинг юзига ўқлар отувчи)*

Иккинчи шакли равий ва ридф ўртасида бир ундош восита бўлиб келади. Айни бу ундош *ридфи зои*д (орттирилган), орттирилган ундошдан олдинги “*алиф*”, “*вов*”, “*йо*”-ларни эса ридфи аслий деб аталади. *Ридфи зои*дли *қофия* эса *мураккаб ридфли мурдаф қофия*ни юзага келтиради.

*Аз баски танам з-оташи ишқи ту гудохт,
Натвон танам аз шамъи саҳар бозшинохт.
(Ишқинг оташида жисмим куйиб кул бўлди,
Нотавон танам саҳар шамидан ўзига келди)*

Жомий *ридфи зои*д сифатида айнан қайси ундошлар келишини ҳам бериб ўтади. Жомий ҳам айнан Шамсиддин Қайс Розий каби уларни олтига санайди. “*Ҳо*”, “*ро*”, “*син*”, “*шин*”, “*фо*”, “*нун*”. Масалан, *сохт*, *сўхт*; *корд*, *мўрд*; *кост*, *пўст*; *дошт*, *гўшт*; *йофт*, *кўфт*; *монд*, *донд* каби. *Ридфи зои*д сифатида кела оладиган ҳарфлар ҳам айнан. Жомий ридфнинг форсий тилдаги *маъруф* ва *мажҳул* шакллари ҳақида ҳам маълумот бериб, уларнинг фарқли хусусиятларини байтлар мисолида тушунтиради. Кейинги маълумотлар *қайд* ҳақида бўлиб, *қайд* сокин ҳарф бўлиб, одатда равийдан олдин келади.

*Чу Зухра вақти сабўҳ аз уфуқ бисозад чанг,
Замона тез кунад нолаи маро оҳанг.*

Жомий *қайд* ҳарфларини ўнта эканлигини таъкидлаб, ҳар бирига алоҳида мисоллар келтиради. Улар: “*бо*”, “*хо*”, “*ро*”, “*зо*”, “*син*”, “*шин*”, “*гайн*”, “*фо*”, “*нун*”, “*ҳо*” ҳарфларидир. *Қайд*нинг ўн ҳарфи кетма-кетлиги ҳам айнан Шамсиддин Қайс Розийнинг “*Ал-Мўъжам*” асарида келтирилгани каби берилган. Қофиянинг кейинги ҳарфи *таъсис* рисолада батафсил тушунтирилган. Одатда *таъсис* “*алиф*” ҳарфи билан ифодаланади. Таъсисли қофия эса *муассаса қофия* деб юритилади. “*Рисолаи қофия*” асарида *муассаса қофия*га мисол тарзида Камол Исфаҳоний қайдасининг матлаъсидан бир байт келтирилган.

*Эй он ки лоф мезанӣ аз дил, ки ошиқ аст.
Тӯбӣ лак, ар забони ту бо дил мувофиқ аст.
(Юрагинг ҳақида у ошиқдир деб лоф урасан,
Бухуда сўзларнинг кони, тилинг юрагингга мувофиқдир)*

Қофия ҳарфларининг кейингиси *дахил* бўлиб, Жомий дахил нималигини тушунтириш билан чекланиб, махсус байт келтириб ўтирмайди. Чунки одатда *дахил таъсис* билан бирга келади. Шунинг учун Жомий юқоридаги байтдаги қофия сифатида келтирилган ошиқ ва мувофиқ сўзларидаги *ш* ва *ф* ҳарфларини дахил эканлигини айтиб ўтади. *Дахил* равий ва таъсис ўртасидаги ундош товушдир.

Қофиянинг кейинги ҳарфлари *васл*, *хуруж*, *мазид*, *ноира* одатда асосдан кейин, равийдан кейин қўлланувчи ҳарфлар саналади. Жомий рисолада буларнинг барчасига бирма-бир тўхталиб ўтади.

Рисоланинг кейинги фасли қофия ҳаракатларига бағишланган бўлиб, Жомий уларни олтига эканлигини айтади. Улар: *расс*, *ишбоъ*, *ҳазв*, *тавжих*, *мажро*, *нафоз*. Қофия ҳаракатлари ҳарф шаклига эга эмас, улар маълум ҳаркатлар (белгилар) билан ҳарфнинг уст ва остига қўйилади. Жомий уларнинг ҳар бирини алоҳида изоҳлаб, байтлар мисолида тушунтирган. Рисоланинг кейинги фасли қофия турларига бағишланган бўлиб, бу қофия турлари қофиянинг барча унсурлари иштирок этиш-этмаслигига кўра фарқланади. Хусусан, *мута-родиф* (бир-бирининг маънодоши) қофия сўнгида икки сокин ҳарфнинг кетма-кет келиши; қофиянинг охири сокин ҳарф бўлса, ундан олдин мутаҳаррик ҳарф келса, *мутаवотир*; агар икки мутаҳаррик ҳарф келса, *мутадорик*; агар уч мутаҳаррик келса, *мутарокиб*; агар тўрт маҳаррик келса, *мутаковис* шаклида ўқилиши батафсил изоҳланган. Рисоланинг ке-

йинги фаслида *муқаййад қофия* шакллари, турлари сўзлар орқали тушунтириб берилган. “Рисолаи қофия”нинг 7-фасли қофия айбларига бағишланган бўлиб, *икво*, *икфо*, *синод*, *ийто* каби атамалар асосида уларнинг илмий, назарий қоидалари амалий мисоллар, байтлар билан изоҳланган. *Ийто* ҳақида маълумот бериш чоғида унинг икки хил шакли борлиги келтирилади. *Ийто* қофия айбларидан бири бўлиб, бир сўз бир шакл ва мазмунда такрорланади. Жомий бунинг икки шаклини фарқлайди: *ийтои жалий*, яъни очик такрор. *Фусунгар* ва *ситамгар* сўзларидаги “*гоф*”, “*ро*” ҳарфлари, *ёрон* ва *дўстон* сўзидаги “*алиф*” ва “*нун*” ҳарфлари бунга мисол бўла олади. *Ийтои хафий*да эса бу ҳолат яширин бўлади. Масалан, *об* ва *гулоб* сўзидаги каби. Рисоланинг кейинги фасли гарчи “Хотима” деб номланган бўлса ҳам, Жомий унда рисолага хулоса ясамайди. Бу фаслда қофиянинг икки: *маъмул* (амалдаги) ва *ғайри маъмул* қисмларидан иборат бўлишини таъкидлаб, уларни изоҳлайди. Намуна сифатида Камол Исмоил қасидадан парчалар келтирилган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, А.Жомийнинг “Рисолаи қофия” асари мумтоз поэтиканинг ажралмас қисмларидан бири – қофия илми назариясига бағишланган, ўзида қофия илмига оид деярли барча маълумотларни қамраб олган илмий-назарий манбадир.

Шомуродова Ситора (Самарқанд вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази ўқитувчиси) ЭРКИН ВОҲИДОВНИНГ “ЁШЛИК ДЕВОНИ” ТЎПЛАМИДА АЛИШЕР НАВОИЙ АНЪАНАЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг “Бадое ул-бидоя” девони дебочасидаги адабий-танқидий фикрлари, девончиликка қўйган талаблари ва Эркин Воҳидов томонидан тартиб берилган “Ёшлик девони”нинг бу талабларга нечоғлиқ жавоб бериши ҳақида сўз боради.

Аннотация. В статье рассматривается литературная критика произведения Эркина Вохидова “Ёшлик девони”, при создании которого он использовал “Бадое ул-бидоя” Алишера Навои.

Annotation. This article discusses the literary criticisms of Alisher Navoi’s “Bado ul-bid’a”, his criticisms of divinity and the “Yoshlik devoni”, which is regulated by Erkin Vakhidov, to meet these requirements.

Калим сўзлар: девон, анъана, аруз, алифбо, мавзу, таркиб, бадиийлик.

Ключевые слова: деван, традиция, аруз, алфавит, предмет, содержание, поэтика.

Key words: devan, tradition, aruz, alphabet, subject, content, poetics.

Асрлар оша адабиёт инсон ва унинг туйғуларининг инъикоси бўлиб келган. Бу борада шеърятнинг аҳамияти беқиёс. Шеърятнинг турли-туман шакллари туйғуларни турли ракурсларда акс эттирар экан, аруз, бармоқ, эркин ва оқ шеър каби вазнлар юзага келди. Ўтган аср бошларида аруз вазнига ихтисослашган шеърятимизга жадид шоирларимиздан Фитрат, Чўлпон кабилар бармоқ ва эркин вазни олиб киришди. XX аср 60–70-йилларига келиб, аруз вазнида ижод қилиш камайиб кетди. Бу ҳақида адабиётшунос Абдулла Аъзам ёш шоир Алишер Муқимовнинг “Хушқадам” номли китоби сўз бошисида шундай фикрларни келтиради: “XX асрнинг бошида арузни унутиш жараёни бошланган ва бу аср ўрталарига келиб, интиҳосига яқинлашиб ҳам қолган – деярли унутилган. Бунинг оқибатида ҳозир ҳам кўпчилик “ғазал – бу бор йўғи а-а, б-а, в-а... тарзида қофияланадиган бармоқ вазнидаги шеър” деган тушунчага эга”.¹ Эркин Воҳидов ўша даврда “эскилик саркити” сифатида четга суриб қўйилган вазн – арузда ғазаллар битиб, уларни “Ёшлик девони”да жамлади.

¹ Муқимов А. Хушқадам. Т., “Ўқитувчи”, 2019.